



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ТАБИЙ ҲАРАКАТИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Аюбжонов Аббос Ҳосилович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Статистика кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, унинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Пандемия чекловлари сабабли аҳоли қатламларида юзага келган муаммолар ва уни бартараф этиши ҳамда вазиятни юмшатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Халқаро тажрибалар ўрганилиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар кўрсатилган ва уларни бартараф этиши ўналишлари тақлиф этилган.

Калим сўзлар: аҳоли сони, ишсизлик ва бандлик даражаси, аҳоли фаровонлиги, пандемия, корхона, меҳнатга лаёқатли аҳоли, меҳнат ресурслари.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЕСТЕСТВЕННОГО ДВИЖЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аюбжонов Аббос Ҳосилович

к.э.н., доцент, заведующий кафедры Статистики
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье анализируется население Республики Узбекистан, его формирование и развитие, а также современное состояние. Проанализированы проблемы, возникшие у населения из-за ограничений пандемии и принятые меры по их устранению и смягчению ситуации. Изучен международный опыт, обозначены проблемы обеспечения занятости населения и предложены направления их устранения.

Ключевые слова: население, уровень безработицы и занятости, благосостояние населения, пандемия, предпринимательство, работающее население, трудовые ресурсы.

STATISTICAL ANALYSIS OF THE NATURAL MOVEMENT OF THE POPULATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Ayubjonov Abbos Khosilovich

State University of Economics
Head of Statistics department, PhD

Abstract. This article analyzes the population of the Republic of Uzbekistan, its formation and development, as well as its current state. The problems that have arisen in the population due to the restrictions of the pandemic and the measures taken to eliminate them and mitigate the situation have been analyzed. International experiences are studied, the problems of ensuring the employment of the population are indicated and directions for their elimination are suggested.

Key words: population, unemployment and employment rate, population welfare, pandemic, enterprise, working population, labor resources.

Кириш. Республикаизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш кўп жиҳатдан мамлакатда истиқомат қилувчи аҳоли билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида демографик омилнинг таъсири янада ортиши бу масалага қизиқишини янада кучайтиради. Демографик омил аҳамияти жиҳатидан ижтимоий ривожланишнинг ижти-

моий ва иқтисодий омиллар қаторида турувчи сиёсий омиллардан бири ҳисобланади. Уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмай туриб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўғри режалаштириб бўлмайди.

Маълумки, бугунги қунда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони, асосан, табиий ҳаракати ҳисобига ортиб бормоқда. Аҳолида ва жумладан, аҳоли табиий ҳаракатида юз берётган демографик жараёнларни ҳар томон-

лама статистик ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мобайнида олинадиган маълумотлар асосида мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва демографик сиёсати амалга оширилади.

Соҳа қонунчилигига 2020 йил 16 марта қабул қилинган “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, у мустақил Ўзбекистон тарихида ilk бор аҳолини рўйхатга олишни ўtkазиш ва унинг тизимли амалга оширилишини таъминлашнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Мамлакат ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирни юқори сифат билан ўтказиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилмоқда. Республика миқёсида аҳоли ўртасида мунтазам равиша тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Асосий тадбир жорий 2023 йил учун белгиланган бўлиб, шу билан бирга, 2021 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шахри ва Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини ялпи рўйхатга олиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг 2022 йил декабр ойида Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек:

“Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Беҳисоб шукур, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда” [1].

Аҳолининг табиий ҳаракатларини ўрганишда, биринчи навбатда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари аҳолисида юз бераётган демографик жараёнларни ўрганиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари аҳолиси табиий ҳаракатини таҳлил қилиш ва ўсиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда прогноз қилиш услубларини танлаб, уларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда хуносалар бериш ва таклиф-

лар киритиш мавзунинг долзарблигини яна бир бор таъкидлайди.

2023 йил 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони 36 372,3 минг кишини ташкил этди, шундан эркаклар сони 18 306,3 минг кишини, аёллар сони 18 066,0 минг кишини, шаҳар аҳолиси сони 18 557,5 минг кишини, қишлоқ аҳолиси сони 17 814,8 минг кишини ташкил этди.

2023 йил 1 июль ҳолатига шаҳар жойлар доимий аҳолисининг 50,1 фоизини эркаклар, 49,9 фоизини эса аёллар ташкил этган. Шунингдек, қишлоқ жойлар доимий аҳолисининг 50,6 фоизини эркаклар, 49,4 фоизини эса аёллар ташкил этганлиги кузатилди.

2023 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси таркиби жинси ва ёш гуруҳлари бўйича (65 ёшгача бўлганлар 5 йиллик ёш интервалида, 65 ва ундан юқори ёшдагилар эса жамланган ҳолда) таҳлил қилинганда, эркаклар таркибида 4 ёшгача бўлган болалар энг юқори кўрсаткични, яъни 2160,4 минг кишини ташкил этган. Эркаклар таркибида энг кам аҳоли сони 60-64 ёшлилар ҳиссасига тўғри келиб, 641,2 минг кишини ташкил этди. Шунингдек, аёллар таркибида ҳам 4 ёшгача бўлган қизлар энг юқори кўрсаткични, яъни 2001,8 минг кишини ташкил этган бўлса, энг кам аёллар сони 60-64 ёшлилар ҳиссасига тўғри келган, яъни 715,3 минг кишини ташкил этган.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда аҳоли муаммоларига бир қатор олимлар ўз илмий тадқиқотларини бағишилаганлар. Улар қаторига кўп йиллар мобайнида илмий изланишлар олиб борган А.А.Шорохова ва М.К.Қораҳонов[2] аҳоли ривожланишида давлат ва давлат томонидан олиб борилаётган сиёsat салбий таъсиrlарини камайтириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги аҳолининг саводхонлик даражаси билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Б.Б.Усмонов[3]нинг таъкидлашича, аҳолининг табиий ҳаракати натижасида аҳоли сони ва унинг ёши, жинсий таркиби мунтазам ўзгариб туради. Янги туғилган болалар жинси аҳоли жинсий таркибида маълум ўзгаришларга олиб келади. Ўлганлар сони эса аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Аҳоли ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар жамиятда маълум ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аҳолининг табиий ҳаракати жараёни эса ўз навбатида, қатор ижтимоий-иктисодий омиллар таъсирида содир бўлади. Шу боис аҳолининг такрор барпо бўлиш жа-

раёни жамият тараққиётининг ҳар бир босқи-
чидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

А.Б.Отамирзаев ва М.Р.Бўриева фикрича, [4] “Аҳолининг такрор пайдо бўлиши” жараё-
нини белгиловчи кўрсаткичлар, ўлчовлар аҳо-
ли тақрор пайдо бўлишининг таркибини таш-
кил этади. Аҳолининг турмуш тарзи ҳар хил
бўлганлиги сабабли тақрор пайдо бўлиш жа-
раёнига қўшган ҳиссаси ҳам ҳар хил бўлади.
Ўзаро алмаша олиш имконияти бўйича аҳоли-
нинг тақрор пайдо бўлиши З гурухга бўли-
нади”.

Аҳоли статистикасини ривожлантириш-
да Ўзбекистон Миллий университети қошида
ташкил этилган Аҳолишунослик илмий тад-
қиқот лабораторияси фаолиятини алоҳида
айтиб ўтиш лозим. Ушбу лаборатория Марка-
зий Осиёда демографик жараёнлар ва улар-
нинг хусусиятларини ўрганиш, туғилиш ва
унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, Мар-
казий Осиё аёлларининг оиласидарни фарзанд-
лар сонига бўлган муносабатларини билish,
Марказий Осиё мамлакатларида вафот этиш
ва миграция жараёнларини ўрганиш илмий
изланишлари билан алоҳида ажralиб туради.
Лаборатория Москва давлат университети-
нинг Аҳолишунослик лабораторияси билан
мустаҳкам алоқаларини ўрнатган ҳолда
Россиянинг олимлари Д.И.Валентай,
А.Я.Кваша, А.Я.Боярский, Б.С.Урланис,
Э.К.Василева, М.С.Бедных, Я.Н.Гузоватий,
Э.А.Араб-Огли, Г.С.Кильдишев[5] ва бошқалар
билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб
бордилар.

А.А.Шорохова [6] ўтказган тадқиқотлар
статистика ва медицина фанларини чамбар-
час боғлаб, аҳолининг вафот этиши, касал
бўлиши ва уларга таъсир этувчи омилларни
ўрганишга қаратилган. М.К.Қорахонов[7]
Марказий Осиёда энг йирик аҳолишунос олим
ҳисобланиб, аҳоли ривожланиши борасида на-
зарий тадқиқотлар олиб борган. А.Б.Отамир-
заев[8] тадқиқотлари, асосан, урбанизация,
демографик тараққиёт муаммоларига бағиш-
ланган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада
илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва инду-
кция ва дедукция каби тадқиқот усусларидан
фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва
ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, минта-
қа меҳнат бозори ривожланиши эконометрик
баҳоланди, Тошкент вилояти меҳнат ресурс-
ларининг истиқболдаги ўзгариш динамикаси
прогнози амалга оширилди ва уни ривожлан-
тиришдаги муаммо ва камчиликлар бўйича
таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси.

2023 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Респу-
бликаси аҳолисининг туғилишда кутилаёт-
ган ўртача умр кўриш давомийлиги 74,3 ёшни
ташкил этган. Ушбу кўрсаткич эркаклар учун
72,1 ёш, аёллар учун эса 76,6 ёшни ташкил
этган. Шунингдек, шаҳар жойларда 74,8 ёш,
қишлоқ жойларда эса 73,6 ёшни ташкил
этмоқда.

Аҳоли сони тўхтовсиз ўзгариб туради-
ган миқдор бўлгани учун аҳоли ҳисобини
аниқ олиб бориш мақсадида критик момент
ва рўйхатга олиш кунлари белгиланади. Маса-
лан, 2022 йилда мамлакатимизда ҳар минг
киши ҳисобига йилига 25,8 киши туғилиши ва
4,8 киши вафот этиши тўғри келди, дейиш
кифоя қиласиди. Демак, табиий ўсиш 21,1 киши-
ни ташкил этди [9]. Шу ўзгаришни аниқлаш
мақсадида аҳоли статистикасида бир тамойил
ишлаб чиқилган бўлиб, у бир моментда расм-
га олишни эслатади ва шу расмга тушган нар-
са тўғри деб тан олинади. Критик момент
шундай бир моментни эслатади. Шу критик
моментда мавжуд нарсалар ёзуб олиниши ке-
рак. Бинобарин, критик моментда ёзуб олин-
ган нарсалар аҳолининг шу моментдаги фото-
графиясини акс эттиради. Критик моментда
туғилганлар рўйхатга киритилади, критик
моментдан кейин туғилганлар рўйхатга кири-
тилмайди. Критик моментгача вафот этган-
лар рўйхатга киритилмайди, лекин критик
моментдаги киши вафот этганда эса тириклар
қаторида рўйхатга киритилган бўлади.

Аҳоли рўйхати кўп ҳолларда яшаш жой-
ларидаги ўтказилгани сабабли критик момент
сифатида кечки соат 12: 00 да олинади, баъзи
ҳолларда бундан чекиниш ҳам мумкин, лекин
натижа кўнгилдагидек бўлмайди.

1-жадвал маълумотлари асосида таъ-
кидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси
аҳолиси 2019 йилда 33255,5 минг кишини
ташкил этиб, 2022 йилда 36024,9 минг киши-
га етганлигини, 2019 йилга нисбатан 2769,4
минг кишига ёки 8,3 % ўсганлигини кўрсата-
ди. Энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрига
тўғри келиб, 2022 йилда 446,5 минг кишига
ёки 17,8 %га ўсган. Энг паст кўрсаткич эса
Сирдарё ва Навоий вилоятига тўғри келиб,
ўртача 7,9 %га ўсганлигини кўришимиз мум-
кин бўлади. Биламишки, аҳолининг демографик
жараёнларида, асосан, аҳолининг табиий
ва механик ҳаракати орқали ўзгаришлар куза-
тилади.

2023 йил январь-сентябрь ойларида
тирик туғилганлар сони 716,9 минг кишини
ташкил этди, шундан ўғил болалар сони 371,6

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT IQTISODIYOTI

минг кишини, қиз болалар сони 345,3 минг кишини, тирик туғилғанлар сони шаҳар жой-ларида 359,0 минг кишини, қишлоқ жойларида 357,9 минг кишини ташкил этди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли динамикаси тўғрисида маълумот (минг киши)

Худудлар	2019	2020	2021	2022	2023	2023 йил 2019 йилга	(%)
						нисбатан ўзгариши	
Ўзбекистон Республикаси	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3	36024,9	2769,4	108,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1869,8	1898,3	1923,7	1948,5	1976,2	106,4	105,7
Андижон	3066,9	3127,7	3188,1	3253,5	3322,7	255,8	108,3
Бухоро	1894,8	1923,9	1947,1	1976,8	2009,7	114,9	106,1
Жиззах	1352,4	1382,1	1410,5	1443,4	1475,5	123,1	109,1
Қашқадарё	3213,1	3280,4	3335,4	3408,3	3482,3	269,2	108,4
Навоий	979,5	997,1	1013,6	1033,9	1055,5	76,0	107,8
Наманган	2752,9	2810,8	2867,5	2931,1	2997,5	244,6	108,9
Самарқанд	3798,9	3877,4	3947,7	4031,3	4118,2	319,3	108,4
Сурхондарё	2569,9	2629,1	2680,8	2743,2	2806,5	236,6	109,2
Сирдарё	829,9	846,3	860,9	878,6	896,6	66,7	108,0
Тошкент	2898,5	2941,9	2975,9	2939,7	2993,4	94,9	103,3
Фарғона	3683,3	3752,0	3820,0	3896,4	3976,3	293,0	108,0
Хоразм	1835,7	1866,5	1893,3	1924,2	1958,1	122,4	106,7
Тошкент ш.	2509,9	2571,7	2694,4	2862,4	2956,4	446,5	117,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида қайд этилган туғилишлар чақалоқлар сони бўйича таҳлил этилганда, куйидаги улушга эга бўлганлиги кузатилди: 1 нафар туғилғанлар 97,7 %ни, 2 нафар туғилғанлар 2,2 %ни, 3

нафар ва ундан ортиқ туғилғанлар 0,1 %ни ташкил этди. Куйидаги жадвал орқали эса республикамиз аҳолисининг 2018 ва 2022 йиллардаги туғилиш динамикаси тўғрисида маълумот оламиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туғилғанлар сони тўғрисида маълумот (минг киши)

Худудлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023 йил 2019 йилга	(%)
						нисбатан ўзгариши	
Ўзбекистон Республикаси	768 520	814 960	841 817	905 211	932 217	163 697	121,3
Қорақалпоғистон Республикаси	40 108	41 137	39 286	40 272	42 835	2 727	106,8
Андижон	72 387	77 603	81 425	84 664	86 506	14 119	119,5
Бухоро	40 338	41 141	41 555	43 173	45 058	4 720	111,7
Жиззах	33 801	36 457	38 118	41 313	40 743	6 942	120,5
Қашқадарё	81 919	86 728	90 330	97 079	98 279	16 360	120,0
Навоий	21 595	22 770	23 888	26 576	26 274	4 679	121,7
Наманган	66 490	71 830	74 720	79 968	82 330	15 840	123,8
Самарқанд	98 909	100 656	101 414	110 455	111 505	12 596	112,7
Сурхондарё	68 259	72 680	74 658	80 975	81 547	13 288	119,5
Сирдарё	18 349	20 744	21 053	23 244	23 320	4 971	127,1
Тошкент	59 300	64 086	65 954	72 659	73 556	14 256	124,0
Фарғона	81 414	87 751	93 037	99 146	101 308	19 894	124,4
Хоразм	40 103	41 092	41 978	42 653	44 920	4 817	112,0
Тошкент ш.	45 548	50 285	54 401	63 034	74 036	28 488	162,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

2023 йил январь-сентябрь ойларида туғилган чақалоқлар отасининг ёши бўйича 10,2 % чақалоқлар отасининг ёши 25 ёшгача, 83,3 % ининг отаси 25-39 ёшларга ҳамда 6,5 % чақалоқларнинг отаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилар хиссасига тўғри келган. Шунингдек, туғилган чақалоқлар онасининг ёши бўйича 38,0 % чақалоқлар онасининг ёши 25 ёшгача, 60,9 % ининг онаси 25-39 ёшларга ҳамда 1,1 % чақалоқларнинг онаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилардан иборат бўлган. Туғилишларнинг ўсиш суръати энг юқори даражаси Сурхондарё вилоятида 109,5 %га, Хоразм вилоятида 108,7 %га, Фарғона вилоятида 108,0 %га, Наманган вилоятида 105,3

%га ва Қашқадарё вилоятида 105,0 %га тенг бўлган. Туғилишларнинг ўсиш суръати энг паст даражаси Тошкент вилоятида 99,5 %да, Сирдарё вилоятида 101,2 %да, Навоий вилоятида 104,1 %да, Тошкент шаҳрида 104,4 %да ва Жиззах вилоятида 104,4 %да кузатилган. Худудлар бўйича туғилиш коэффициенти энг юқори Сурхондарё вилоятида 30,8 промилле, Қашқадарё вилоятида 28,7 промилле, Наманган вилоятида 28,0 промилле, энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 21,8 промилле Бухоро вилоятида 22,6 промилле ва Хоразм вилоятида 23,0 промиллени ташкил этган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида вафот этганлар сони тўғрисида маълумот (минг киши)

Худудлар	2018	2019	2020	2021	2022	2022 йил 2019 йилга	(%)
						нисбатан ўзгариши	
Ўзбекистон Республикаси	154 913	154 570	175 625	174 541	172 068	17 155	111,1
Қорақалпоғистон Республикаси	8 602	8 461	9 164	8 756	9 585	983	111,4
Андижон	15 377	14 656	15 797	16 409	15 426	49	100,3
Бухоро	7 978	8 335	10 055	9 129	9 069	1 091	113,7
Жиззах	5 596	5 519	6 021	5 930	6 784	1 188	121,2
Қашқадарё	13 023	12 661	13 911	14 981	17 017	3 994	130,7
Навоий	4 161	4 378	5 038	4 848	4 156	-5	99,9
Наманган	12 200	12 534	13 536	13 542	13 433	1 233	110,1
Самарқанд	16 254	16 444	18 404	18 808	19 272	3 018	118,6
Сурхондарё	10 698	10 544	11 931	12 786	13 851	3 153	129,5
Сирдарё	3 794	3 852	3 958	4 173	4 297	503	113,3
Тошкент	16 307	16 035	18 400	18 121	14 801	-1 506	90,8
Фарғона	16 975	17 202	18 540	18 703	18 460	1 485	108,7
Хоразм	8 203	8 467	9 671	9 463	9 446	1 243	115,2
Тошкент ш.	15745	15482	21199	18892	16 471	726	104,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

2023 йил январь-сентябрь ойларида вафот этганлар сони 129,7 минг кишини ташкил этди, шундан эркаклар сони 71,4 минг кишини, аёллар сони 58,3 минг кишини, вафот этганлар сони шаҳар жойларда 69,6 минг кишини, қишлоқ жойларда 60,1 минг кишини ташкил этди. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида қайд этилган ўлим ҳолатининг 58,9 фоизи қон айланиш тизими касалликлардан, 10,7 фоизи – ўсимталардан, 6,6 фоизи нафас олиш аъзолари касалликлардан, 4,7 фоизи баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлашишлардан, 3,6 фоизи овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлардан, 1,4 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан, 14,1 фоизи бошқа касалликлардан вафот этганлар.

Худудлар бўйича вафот этиш коэффициенти энг юқори Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида 5,3 промилле, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятида 5,0 промилле, энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида 4,2 промилле, Бухоро вилоятида 4,3 промиллени ташкил этган. Ўлимларнинг ўсиш суръати Тошкент шаҳрида 88,2 %ни, Бухоро вилоятида 92,9 %ни, Хоразм вилоятида 94,4 %ни, Фарғона вилоятида 96,5 %ни ва Қашқадарё вилоятида 97,0 %ни ташкил этиб, сезиларли камайган.

Хулоса ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ҳаракати тўғрисида олиб борилган тадқиқотларимиз қўйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

1. Мамлакатимизда туғилишнинг кўтарилиш тенденцияси репродуктив мақсадлари ўзгариши натижасида пайдо бўлган. Бу ҳол, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётининг таъсири остида юзага келган.

2. Туғилишнинг камайиб кетиши олдин олиш учун, давлат миқёсида демографик ҳолатни яхшилаш учун чора ва тадбирлар қабул қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

3. Иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон аҳолисида табиий кўпайишнинг иқтисодий, ихчам режими шаклланиб, ушбу режим туғилиш ва вафот этишнинг пасайиши натижасида вужудга келган, деб ўйлаймиз.

4. Салбий миграция жараёнлари фаоллашганлиги сабабли республикадан ёш, меҳ-

натга лаёқатли аҳоли кўчиб кетмоқда. Бу ҳол аҳолининг ёши ва жинси бўйича таркиби қаришига олиб келди.

5. Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишини ошириш мақсадида ёш оиласарни қўллаб-куватлаш бўйича дастурни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

6. Аҳоли таркибидаги салбий миграция олдин олиш мақсадида мамлакатда янги иш ўринларини ташкил этишга давлат миқёсида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлаймиз.

7. Республикализнинг экологик вазияти яхши бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида уни яхшилаш орқали туғилишни ошириш борасида кенг қўлламли ижтимоий-иқтисодий борада дастур ишлаб чиқиб, уни зудлик билан амалга ошириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига ўйллаган Мурожаатномаси. Газета.уз 20.12.2022.
2. Қораҳонов М.К. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллигига бағишиланади. 2018 йил, 156-180-бет.
3. Усмонов Б.Б. Аҳоли статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси.
4. Отамирзаев А.Б. ва Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т., 2009.
5. Килдишев Г.С. *The Cohort and Period Approaches to Demographic Analysis. // Fundamentals of Demographic Analysis: Concepts, Measures and Methods.* – Springer International Publishing, 2016. P. 85-128.
6. Шорохова А.А. Методика изучения плодовитости человека. – Т., 1935. Тимм Е.С. Опыт изучения естественного движения населения в кишлаках. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. З-сон, май-июнь, 2014 йил.
7. Караканов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т., 1983; Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Т., 1983; Ата-Мирзаев О.Б., Гентиске В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т., 1998; Бўриева М. Рождаемость в Узбекистане. – Т., 1991; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т., 1997.
7. Хамитова А. К вопросу рождаемости и плодовитости городского населения Узбекистана. // Медицинский журнал Узбекистана, 1963, № 5.
8. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти.
9. <http://eca.uz/popin/> – БМТнинг расмий демографик сайти.



BANDLIK – AHOLI FAROVONLIGININIG MANBAYI

Zufarova Gulmira Abduxalilovna
Andijon mashinasozlik instituti
Iqtisodiyot kafedrasи dotsenti, i.f.n.

Annotatsiya. Bandlik aholi farovonligining bevosita manbayi, shuningdek, uning daromad darajasini oshirish vositasidir. Bandlikning daromadga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan bir qator mexanizmlar, xususan, mehnat unumdarligi, bolalar ta'limi, jamg'armalar va investitsiyalar hamda demografik tuzilishga alohida e'tibor qaratiladi. Aholi daromadlarini oshirishning asosiy manbayi malakali ta'limgi rivojlantirishdir. Bugungi kunda mamlakatimizda malakali mutaxassislarni tanlash eng dolzarb masalalardan biri sifatida qaralmoqda. Bunga erishish uchun inson kapitaliga investitsiyalarni kengaytirish zarurligi ta'kidlandi. Shu bilan birga, aholi daromadlariga ta'sir etuvchi omillardan biri mehnatga layoqatli aholi bandligi hisoblanadi.

Kalit so'zlar: bandlik, aholi daromadi, turmush tarzi, hayot farovonligi, iqtisodiy o'sish, umumiyy manfaat, ijtimoiy-iqtisodiy, yalpi ichki mahsulot, aholi jon boshiga o'rtacha daromad.